



**Ҳалим ТҮРАЕВ,
Бухоро давлат университети доценти,
тарих фанлари номзоди.**

БУХОРОНИ БАЛХГА АЛМАШТИРИШ ВОҚЕАСИ ВА ХЎЖА ИСЛОМ ЖЎЙБОРИЙ

Бухоро хони шайбоний Абдулазизхон (1539-1549) вафотидан сўнг шайбонийлар ўртасида тож-тахт учун ўзаро кураш бошланниб кетди. XVI аср ўрталарига келиб, Мовароунихар ва қисман Хуросоннинг айрим вилоятлари (Балх назарда тутилаяпти) шайбоний хонлари ўртасида бўлиб олindi. Тошкент ва Туркистон Наврўз Аҳмадхон, Самарқанд Абдулатифхон ибн Кўчкинчихон, Кармана ва Миёнкол (Офаринкент) Искандархон ибн Жонибек Султон, Балх Пирмуҳаммадхон тобелигига ҳаёт кечираради. Ташкидлаганимиздек, 1556 йил Наврўз Аҳмадхон вафот этгач, Пирмуҳаммадхон барча шайбонийзодаларнинг олий ҳукмдори ҳисобланиб, унинг номи хутбага қўшиб ўқилди ва танга ҳам шу хон номидан зарб этила бошланди.

Пирмуҳаммадхон Жонибек султоннинг катта ўғли бўлиб, у 1546-1567 йилларда шайбонийларга қаралти Балх вилоятини бошқарди. 1549 йили Бухоро хони Абдулазизхон вафот этиб, Бухоро таҳтига иродасиз Мұҳаммадёр султон кўтарилаганда, кўп ўтмай, Пирмуҳаммадхон Абдулазизхоннинг дағи маросими а иштирок этиш ва таъзия билдириш баҳонасида Балхдан Бухорога келди ва уни эгаллади. "Мұҳит аттарорих" асари муалифи Мұҳаммад Аминнинг ёзишича, асл мақсад таъзия билдириш эмас, тож-тахт даъвоси эди. Мұҳаммадёр султон эса Самарқандга қочиб, Абдулатиф ибн Кўчкинчихондан ёрдам сўради. 1551 йил Абдулатифхон, Наврўз Аҳмадхон, Бурҳон султонлар иттифоқ бўлиб, Бухорога Пирмуҳаммадхон устига юриш бошладилар. Бухоро уламо ва руҳонийларининг, жумладан, Хўжа Исломнинг қўллаб-қувватлашига эришмаган Пирмуҳаммадхон Бухорони тарк этишга мажбур бўлди. Лекин Бухоро таҳтига бўлган даъво орадан ўн йил ўтгандан кейин ҳам уни тарк этмаганигини кейинги воқеалар кўрсатди.

XVI аср 60-йиларида Сафавийлар давлати билан шайбонийлар ўртасида зиддиятлар янги асосга кўчди. Сафавийлар ҳукмдори Шоҳ

Таҳмосп (1524-1576) гумашталари ҳажга олиб борувчи йўлларни ўз қўлларига олиб, ҳажга борувчиларга ҳар томонлама халақит берар, мулкларига тажовуз қиласа ва ўзларига зарар етказарди. Бундай номаъқулчиликлар Бухоро хони Абдуллахон амирларида Шоҳ Таҳмоспга нисбатан нафрат уйғотди. Улар Абдуллахонга мурожаат қилиб, Хуросонга юриш бошлашни таклиф этдилар. Ўттиз ёшли қаршилаётган навқирон Абдуллахоннинг Хуросонга юриш қилиш режаси амирларнинг бу таклифига мувофиқ келиб, хон юриш тадоригини кўра бошлади. Бунинг устига, хоннинг пири, яъни Жўйбор хўжаларининг ийрик вакили Хўжа Ислом (1493-1561) Хуросонга, гайри дин шиалар устига юриш зарурлигини мудом унга уқтириб келарди. Абдуллахон Хуросон юриши тўғрисида Хўжа Исломни огоҳ этмай, Қарши тарафга шикорга боражагини билдириб, ундан руҳсат олди.

1561 йил баҳорида Абдуллахон ўз қўшинлари ҳамроҳлигига Амударё томон от суриб, дарё қирғоғига чодир тикиди. Шу пайт амакиси, Балх ҳокими Пирмуҳаммадхон олдидан чопар келиб, унга Пирмуҳаммадхон Шибирғонга келганини ҳамда Абдуллахон билан учрашмоқчи эканини, шунингдек, агар Абдуллахон рози бўлса, биргалашиб, Хуросонга юриш қилиш нияти борлигини етказди. Абдуллахон амакиси билан ҳамжиҳатлиқда Хуросонга юришни маъқул топиб, Қарши яқинида Амударёдан ўтди ва Шибирғон томонга қараб йўл олди. Иккаласи учрашганда эса Пирмуҳаммадхон Абдуллахонга Бухорони Балхга алмашишни таклиф қилади. Абдуллахон узоқ мулоҳаза юритмай, бу таклифни қабул этди. Келишувга кўра, Абдуллахон ўз вилояти пойтахтини Балхга кўчириши, Бухоро эса Пирмуҳаммадхон тобелигига ўтиши керак эди. Абдуллахоннинг ўз амакиси қўйган шартта рози бўлишининг икки сабаби бор эди: биринчиси, ўз амакисига бўлган ҳурмат. Зеро, Пирмуҳаммадхон шу маҳалда барча шайбонийларнинг улуги ва олий ҳукмдори саналарди. Иккинчиси, Балхнинг

Хурсонга яқинлиги, унинг географик жойлашиши ўз режасини амалга ошириш учун кўл келарди. Бу ердан туриб, Хурсонга юриш қилиш осон эди.

Абдуллахон розилигини олган Пирмуҳаммадхон Бухорони қабул қилиб олишни шайхулислом Хўжа Абдували Порсо ва Мирза Алибий найманга юклади ҳамда улар бошлигидаги вакилларга Бухорога йўл олишга изн берди. Абдуллахон эса садоқатли хизматкори ва маслақдоши Қулбобо қўкалдошни Бухорога жўнатиб, саройдаги мол-мulkни ва хизматкорларни Балхга кўчириб келишга буюрди. Бир ҳарбий отрядни эса Балх шахрини қўриқдашга сафарбар этди.

Иттифоқо, шаҳарлар алмашанувига халал берувчи бир ҳодиса юз берди ва Пирмуҳаммадхон орзуси ушалиши гумон остида қолди. Бир тўда исёнчилар Пирмуҳаммадхоннинг ўғли Динмуҳаммадхонни ўз отасига қарши гиж-гижлатиб ва отаси ниятидан уни огоҳ этиб, исён кўтаришга ҳамда Балхни эгаллашга даъват этди. Исёнчилар даъватидан ҳаволанган Динмуҳаммадхон Балхга ҳужум қилиб, уни эгаллади. Пирмуҳаммадхон бу даврда Балхда эмасди. У Абдуллахон билан шаҳарлар алмашинуви борасида музокара олиб бораётган эди. Отаси ҳарчандки ҳаракат қилмасин, фарзанди қайсарлик туғини туширмай, Балхни қайта отасига топширишни хаёлига ҳам келтирмади. Пирмуҳаммадхон жияни Абдуллахонга мактуб йўллаб, уни мазкур воқеадан огоҳ этиб. Шаҳарлар алмашинуви рўй беришига кўзи етмаган Абдуллахон ўз иниси Ибодулла сultonни Бухорога жўнатиб, Пирмуҳаммадхон вакилларини Бухорони эгаллашдан тўхтатишини буюрди.

Динмуҳаммадхон воқеаси Абдуллахонни ўзгача йўл тутишга мажбур этди. Эҳтимол, Динмуҳаммадхонга ўрнак бўлишни назарда тутиб, у шу воқеадан сўнг отаси Искандархонни Кармана ҳокимлигидан чақириб олиб, Бухоро таҳтига олий ҳукмдор сифатида ўтқазишни ният қилди ва Пирмуҳаммадхон олдига одам жўнатиб, бу тўғрида унга хабар берди. Шунингдек, бундан кейин шу тариқа йўл тутиши тўғрисида аркони давлатлар олдида ваъда берди.

Бухоронинг Балхга алмаштирилишига халал берувчи иккинчи катта сабаб, Хўжа Исломнинг бу келишувга рози эмаслиги ҳисобланади. Икки вилоят ҳукмдорлари ўзаро келишув билан овора бўлган даврда Хўжа Ислом Қарши яйловларида шикор сайрида эди. Ҳусайн ас-Сарахсийнинг "Маъноқиби саъдийа" номли қўлёзма асарида келтирилишича, шу пайт миришкор келиб, "Абдуллахон Бухорони бериб, Балхни олди" деб хабар етказди. Буни эшитиб Хўжа Ислом "Ажаб замон бўлдикли миришкор бу хабарни етказди" деди. Шикор сайрининг тўртинчи куни Хўжа

Ислом Қарши яйловларидан Бухорога келди. Ўша куни Бухоро остин-устун эди. Чунки Қулбобо қўкалдош Абдуллахон буйруги билан Арқдаги ҳарамни юклаб, Балхга олиб кетмоқчи бўлиб турганди. Хўжа Ислом "Шаҳарда фавоми?", деб сўрагандা, унга "Вилоят тамоман барҳам топди", деб жавоб беришиди. Хўжа Ислом баоят диққат ва дарғазаб бўлиб, "Шаҳарни алмашмоқ ғоят ғалатидир" деди ва Жўйборга йўл олиб, ўз фарзанди Хўжа Саъд bogига кирди. Богда ҳозир бўлган мулозимларга Бухорони Балхга алмаштирилишига рози эмаслигини билдириб, шундай деди: "Абдуллахон биз билан маслаҳатлашмасдан Бухорони Балхга алмаштирибди. Агар у Бухоро бирорларнинг ёрдамисиз ўз қўлимда барқарордир деб ўлаётган бўлса, хоҳлаган ишини қиласерсин ва уни истаган кишисига бераверсин".

Икки ўртадаги келишувдан беш кун ўтгач, Абдуллахоннинг укаси Ибодулла сulton Бухорога келиб, алмашув бекор қилинганилигини Хўжа Исломга билдири. Арқдаги хон ҳарамини Балхга кўчириш тўхтатиди. Бу орада Абдуллахон ҳам Бухорога етиб келиб, зудлик билан ўз пири Хўжа Ислом ҳузурига борди ва бемаслаҳат қилган иши учун узр сўради. Бадридин Кашмирийнинг ёзишича, шу кунларда Хўжа Ислом Сумитанда курилаётган хонақоҳ яқинида ўз мулозими Мавлоно Қосим Ахсиги билан ўтиради. Абдуллахон пир ҳузурида ҳозир бўлганда Хўжа Ислом унга қўйидаги кинояли гапларни айтди: "Сиз бу вилоятни (яъни Бухорони) шамшир зарби ва бозу қудрати ила мусаххар этмагансиз. Шунинг учун унинг қадрини билмайсиз. Мудом сахро ва тоғларда сайр ва шикор ила машғуласиз. Бу вилоят қадрини биз биламиз. Неча йиллар риёзат чекиб, уни Сизнинг тасарруфингизга ўтказдик."

Абдуллахон ўз ваъдасига кўра, 1561 йил баҳорида отаси Искандархонни Карманадан чақириб олиб, олий ҳукмдор сифатида Бухоро таҳтига ўтқизди. Унинг номига хутба ўқилиб, "Искандархоний" номли танга зарб этилди. Пирмуҳаммадхоннинг номи эса хутба ва тангадан бутунлай ўчириб ташланди. Абдуллахон 1583 йилгача, яъни отаси Искандархон вафотига қадар мамлакатни унинг номидан бошқарди.

"Матлаб ат-толибин"да хабар берилишича, Хўжа Ислом таҳти равонга ўтириб, Сумитанга келган чоғда Абдуллахон унинг мулозаматига келиб узр сўрайди. Шунда Хўжа Ислом унга қаратса қўйидаги сўзларни айтади: "Сиз Бухоронинг қадрини билмайсиз ва бепарволик қиласиз, ҳар куни сайр ва шикорда бўласиз". Сўнг Абдуллахонга илтифот кўрсатиб, қўйидагиларни таъкидлади: "Ўз фарзандимизни сизга, сизни

эса фарзандимизга топширдик. Нимаки биздан сўраган бўлсангиз, бундан сўнг Хўжа Калондан сўранг".

Хўжа Ислом ва Абдуллахон ўртасидаги муносабатлар доимо бирдай силлиқ бўлмаганилигига манбалардан тасдиқ топамиз. Хўжа Исломнинг Абдуллахондан бир оз ранжиши, асосан, Бухорони Балхга алмаштириш билан боғлиқ. "Матлаб аттолибин"нинг гувоҳлик беришича, умрининг охирида оёқ оғриғи касалига чалиниб юролмай қолган Хўжа Исломни бир бор тахти равонга ўтқазиб, Зарманоқ деган жойга олиб келишди. Абдуллахон узр сўраш учун унинг орқасидан бу ерга келди. Лекин Хўжа Ислом унга илтифот қилмади. Шунда Абдуллахон пешонасими ерга уриб, Хўжа Исломга қарата: "Хўжам, банданинг иши гуноҳ қилмоқ, Хўжанинг иши авф этмоқ" деди. Хўжа Ислом ғазаби таскин топиб, Абдуллахонга деди: "Яхши биласанки, гирибонингдан ўйлаб, сени Бухоро тахтига ўтқазиб қўйдик. Бирорни томга чиқариб қўйган киши уни тушира олади ҳам. Нима қиласайликки, сендан яхшироги йўқ. Сувпарварда киши ўзини гарқ қилмайди". Сўнг Абдуллахонга тавфиқ тилаб, фотиҳага қўл оғди.

Бошқа бир мисол. Асада таъкидланишича, кунларнинг бирида Абдуллахон ўз амирлари билан Хўжа Ислом зиёратига келади. Хўжа Ислом офтобда оёқларини чўзиб ўтиради. Олдида бир туркман ўтинкаш бор эди. Хўжа Ислом туркман ўтинкашдан туркӣ алғозда сўради: "Фалон оқ эшагинг туғибмидур? У, "Подшоҳим туғибдур" деди. Хўжа ислом деди: "Кимнингки эшаги туғмасдур, у бедавл ўр". Абдуллахон ва унинг амирлари бошларидан саллаларини олиб, кўп туриб қолдилар, лекин' Хўжа Ислом уларга эътибор ҳам бермади, илтифот ҳам қилмади. Орқаларига қайтиб дедиларки: "Ўша туркман ўтинкаш кошки биз бўлсайдик". Онҳазратнинг кимё таъсир назарлари олдида бузург одам коҳ (сомон) ёки кўҳ (тоғ, осмон) бўларди.

Абдуллахоннинг ўз маънавий раҳнамоси Хўжа Ислом олдида энг катта хизмати унинг аждодлари ва ўзи шарафига Сумитанда масжид, мадраса ва хонақоҳ қурдирганидир. Унинг биринчи тадбири Абу Бакр Саъд қабри атрофига ҳазира (чамбара) ўрнатиш бўлди. Мозор атрофидан 100 таноб ер олиб, уни чорбоққа айлантириди, турли анвойи дараҳтлар билан тўлдириди. Бу ерда ҳовуз улуғвор кўринишхона қурдириди. Амирларга ўзи яратган чорбог атрофига яна бօғ қуришга фармон берди. Фармонга мувофиқ Сумитан чаҳорбоги атрофига Абдуллахон чиглари томонидан кўплаб боғлар барпо этилди. Шергирон дарвазасининг жануб томон ҳаги девор бузилиб, Шайх Жалол

дарвазасигача қайтадан кенгайтириб уриб чиқида. Натижада Хўжа Ислом манзили бўлган Жўйбор шаҳар ичкарисига олинди.

Шайбоний саркардалар, вилоят ҳокимлари ва бошқа лавозимни эгаллаб турган шахслар Хўжа Ислом сиймосида ўз пирларини, ҳомийларини, халоскорларни кўришарди ва баҳоли қудрат унга интилишар, дуосига мушарраф бўлишга кўшиш қилишарди.

Хоразм ҳукмдори Абдулғозий Али султон (1558-1567) Хўжа Ислом муридларидан эди. У Хўжа Исломга йўллаган мактубида уни дуо хайр билан ёд этишикни илтимос қилиб, қизилбошлар томонидан тижорат аҳлига етказилаётган заарни тўхтатишида воситачилик қилишни сўрайди.

Шайбоний султонлари ўзаро урушларни тўхтатиш масаласида ҳам кўпинча Хўжа Исломга мурожаат қилиб, ундан ёрдам сўрардилар. Худойберди султоннинг Хўжа Исломга ёзган мактуби бунга мисол бўлади. Мактубда султонлар ўртасидаги жанглар натижасида аҳолининг аҳволи мушкуллашиб, уларнинг бир қисми Миёнкол ва Бухоро томонга кеттанилиги қайд этилади ва Хўжа Исломдан султонлар орасида сулҳни барқарор қилиш илтимос қилинади.

Кўчкинчиноннинг ўғли Жавонмардали султоннинг Хўжа Исломга ихлосу эътиқоди баландлиги боис, маслаҳат сўраш за дуосига мушарраф бўлиш бобида ундан тортина масди. Унинг Хўжа Исломга ёзган мактуби бунга мисол бўлади.

Шайбоний султонлари ичидаги анча таниқи ва тахтталаб Бобо султон бин Бароқхоннинг Хўжа Исломга ихлоси бошқаларницидан кам эмасди. У тариқат пешвосига ёзган мактубида султонлар ўртасида тинчлик, бир-бираға меҳр-муҳаббат ўрнатиб, фуқарони бесаранжомликлардан халос қилишда ёрдам беришни сўрайди. Шунингдек, баъзан дуо билан уни хотирлаб туришни илтимос қилади.

Хусрав Мұҳаммад султон Кармананинг нариги томонидаги ерларга ва Бухоронинг бир қисмига бўлган даъвосини Хўжа Ислом орқали Абдуллахонга етказиши кўзлаб, унга мактуб билан мурожаат қилади. Хўжа Ислом воситасида ўз шартларини Абдуллахонга етказади.

XVI аср ўрталарида Хўжа Ислом ўз ижтимоий-сиёсий фаолиятининг энг юқори погонасига кўтарилиди. Бунинг оқибати ўлароқ Бухоро узил-кесил Абдуллахон қўлида қарор топди ва Мовароунаҳрни унинг атрофига бирлаштириш жараёни бошланди. Бухорони Балхга алмаштириш жараёнининг тўхталиши ва унинг мамлакат пойтахтига айлантирилишида, шубҳасиз, Хўжа Исломнинг ҳам ҳиссаси бор.